



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 28 октябрь, № 208 (6138)

Сешанба

## ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИНГ ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИДАГИ ЮКСАК ҒАЛАБАЛАРИ



INCHON 2014 ASIAN PARA GAMES

“Азиз фарзандларим, ҳеч қачон унутманг: сиз эришган марра ва ютуқларингиз халқимиз, элимиз эришган ютуқлар деб ҳисоблайман, сизнинг бугунги ва эртанги кунингиз янада ёруғ бўлиши учун бор кучимни аямайман”.

Ислом КАРИМОВ



Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида нуфузли мусобақа — II Параоосиё ўйинлари яқунланди. Ушбу йирик спорт анжуманида қитъамизнинг қирқдан зиёд давлатидан спортчилар голиблик учун баҳслашди. Параоосиё ўйинларида Ўзбекистонлик 27 нафар спортчи энгил атлетика, дзюдо, сузиш ва ўқ отиш бўйича ўтказилган мусобақаларда Ватанимиз шарафини муно-

сиб ҳимоя қилиб, шижоат ва матонат бобида ҳеч қандам кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини исботлади.

лакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар, аввало, инсон ва унинг манфаатлари учун хизмат

назар, ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланганлигини намойён этгани шубҳасиз. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки

бахтли ҳаёт кечирishi, эзгу мақсадларини рўёбга чиқариши, буюк келажагимиз бунёдкорлари бўлган ёшларимизнинг билим олиши,

ҳиятини намойён қилиши учун кенг имконият ва зарур шaroитлар яратилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан спортни ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2002 йилда Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган эди.

Спортчиларимиз **22** олтин, **5** кумуш ва **4** бронза, жами **31** медални қўлга киритиб, қирқдан зиёд давлат орасида бешинчи, Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллади.

Паралимпиячиларимизнинг бу юксак ғалабаси халқимизга чексиз ғурур-ифтихор бағишлаши, мам-

қилиши, шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаронинг миллати, дини, irqи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи

йилларданок Президенти-миз Ислом Каримов раҳна-молигида халқимизнинг тинч-осуда, фаровон ва

замонавий касб-ҳунарларни эгаллаши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб, ўз иқтидор ва сало-

ҳиятини намойён қилиши учун кенг имконият ва зарур шaroитлар яратилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан спортни ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2002 йилда Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган эди.

(Давоми 4-бетда).

## Ишонч ва эътибор чексиз қувонч бағишлайди

Президентимизнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригидан кўнглимиз осмон қадар кўтарилди.



ДИЛ СЎЗИ

Сабаби, унда биз, деҳқону фермерларнинг камтарона меҳнатимизга юксак баҳо берилиб, жумладан, “Халқимизда, деҳқон учун осон йилнинг ўзи бўлмайди, деган теран маъноли ибора бор. Бу йилги мавсум бу фикрни яна ва яна бир бор тасдиқлаб бермоқда. Баҳор фаслида ҳаво ҳароратининг одатдагидан нисбатан паст бўлгани, чигитнинг униб чиқиши 8-10 кунга кечиккани, айрим ҳудудларда гўзани сел ва дўл уриб кетгани, турли касаллик ва зараркунандалар кўпайгани, ёздаги сув танқислиги, кузнинг анча эрта ва салқин келгани деҳқон ва фермерларимиз учун жиддий қийинчиликлар туғдирди”, деган сўзлар алоҳида таъкидланди.

Чиндан ҳам, бу йилги мавсумда мўл ҳосил яратиш осон кечгани йўқ. Аммо фермерлик ҳаракатига қаратилаётган алоҳида эътибор, яратиб берилаётган қулай шарт-шaroитлар муаммоларни мардонавор энгиб ўтишимизда катта мадад бўлди. Мисол учун, юртимизда имтиёзли кредит ажратиш, уруғлик, ёнилги-мойлаш материаллари ва ўғитни дала бошигача етказиб бериш бўйича ташкил этилган тизим бошқа

жойларда бўлмаса керак. Бундан унумли фойдаланиб, гўза парваришида соҳа мутахассисларининг тавсиялари, қолаверса, кўп йиллик тажрибамизга таяниб иш тутиш. Яъни интенсив агротехнологияларни қўллаган ҳолда, гўза қатор орала-рига 12 марта сифатли ишлов бердик. Бу — оdat-дагидан 4-5 марта кўп, деганидир. Суғоришни эса “шарбат” усулида фақат тунда бажардик. Бунинг учун гектарига 5 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариб қўйганимиз қўл келди, албатта.

Ушбу усул нафақат обиҳаётдан тежаб-тергаб фойдаланиш, балки гармселга қарши курашда яхши восита эканлиги-га яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Пироварди-да баракали ҳосил етиш-тириб, давлатга 605 тон-на сифатли пахта сотиш-га эришдик.

Давлатимиз раҳбари табригида бизнинг фер-мер ҳўжалигимиз номи ҳам илгорлар қаторида тилга олинди, алоҳида эътироф этилгани жамо-амизга катта куч, руҳий қувват бағишлади.

(Давоми 2-бетда).

## БИЗ ВА ЖАҲОН



Женевада ўтказилган БМТ Савдо ва тараққиёт конференциясининг (ЮНКТАД) Жаҳон инвестиция форумида Ўзбекистон делегациясининг иштироки доирасида мамлакатимиз сармоявий салоҳиятига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Тадбир мамлакатимизнинг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси томонидан “Узинфонвест” агентлиги ҳамда “Швейцария — Россия ва МДХ мамлакатлари” бирлашган савдо палатаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

## Ўзбекистоннинг сармоявий имкониятлари Швейцарияда тақдим этилди

Брифингга Женева кантонининг ишбилармон доиралари, дипломатия корпуси, халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди.

Ўзбекистоннинг замонавий иқтисодий тараққиёти, мамлакатда саноат корхоналарини модернизациялаш ва технология қайта жиҳозлаш, инвестициявий муҳитни такомиллаштириш юзасидан ҳаётга татбиқ қилинаётган кенг кўламли чора-тадбирлар,

шунингдек, инфратузилмни ривожлантиришга йўналтирилган давлат дастурлари ҳақидаги батафсил маълумотлар тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди. Шу билан бирга, брифинг қатнашчилари мамлакатимиздаги “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ҳамда “Жиззах” махсус индустриал зоналарининг фаолияти ва имкониятлари, улар ҳудудда хорижий сармоядорлар учун яра-

тилган қулайлик ҳамда имтиёзлар билан яқиндан танишди. Хусусан, импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган товарлар ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаш, ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик қилишни ҳамда янги технологияларни жорий этишни режалаштираётган хорижий инвесторларни жалб қилиш ва уларнинг келгусидаги фаолиятини рағбатлантиришни назарда тутадиган ташкилий-

қонуний шарт-шaroитлар яратишнинг энг муҳим масалалари ҳақида атроф-лича фикр юритилди.

Тадбирда юртимизнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ҳам намойиш этилди.

Женева кантони Олий кенгашининг депутати, “Швейцария — Россия — МДХ” бирлашган савдо палатаси раиси, Швейцария матбуот клубининг ижрочи директори Ги Меттан “Жаҳон” ахборот агентлигига берган интервьюсида бугун Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган “Nestle” ва “Richter” компаниялари ўзаро шерикликнинг яхши намунаси эканлигини қайд этар экан, мазкур компанияларнинг ўзбек бозорига муваффақият билан ишлаётгани ўзаро муносабатлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

## Интеллектуал салоҳиятли ёшлар — таянчимиз ва суянчимиз



“Маънавият — инсонни руҳан поклашиш, қалбдан улғайишга қурлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”. Юртбошимизнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” номли асарига келтирилган ушбу таъкид, шак-шубҳасиз, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бошланган “Infofol — 2014” учинчи миллий ах-

борот-кутубхона ҳафталигининг мазмун-моҳиятини белгилаб берди.

### МИЛЛИЙ ҲАФТАЛИК

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Матбуот ва

ахборот агентлиги, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ҳафталиқнинг очилиш маросимида депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, юртимизда фаолият юритаётган хорижий ваколатхоналар вакиллари, ўқитувчи-мураббийлар, маънавият тарғиботчилари, кутубхона мутахассислари ҳамда талаба-ёшлар қатнашди.

(Давоми 4-бетда).

## МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



Наманган шаҳридаги “Afroz Kamol Nabi” масъулияти чекланган жамияти шу пайтга қадар фақат савдо-сотиқ билан шуғулланарди.

## Жорий йилги ҳосил экспортга йўналтирилади

Эндиликда у кўп тармоқли корхонага айланди. Ҳозир жамоа тикувчилик, дурадгорлик, қурилиш соҳаларида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда бу ерда навбатдаги лойиҳа амалга оширилди. Таъсисчилар ўз имкониятларидан фойдаланиб, мева-сабзавотни қуриштириш ва қайта ишлашни ҳам йўлга қўйдилар. Айни пайтда замонавий технология ёрдамида соатига бир тоннадан зиёд маҳсулотга ишлов берилаёпти. Бундан ташқари, 1700 тонна сизимга эга совуққичли омборхона қуриб битказилди. Бу ерда қайта ишлашни, сақлашга қўйилган замин неъматлари, асосан, ташқи бозорга чиқарилади. Чунончи, жорий йил ҳосилидан қайта ишланган мева-сабзавотлар ҳисобига 200 минг АҚШ долларидан ортиқ миқдорда экспорт амалиётини бажариш кўзда тутилган.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

## «Камолот» уйлари фойдаланишга топширилди

Жорий йил пойтахт вилоятининг 5 та ҳудудда ёш оилалар учун “Камолот” уйлари бунёд этишга киришилган эди. Айни пайтда тайёр бўлган тураржойлар бирин-кетин ўз эгаларига топширилмоқда.

Жумладан, Олмалик шаҳрида 45 нафар ёш оила ўз уйига эга бўлди. Шаҳардаги қаровсиз бино мукамал таъмирланиб, шинам ва замонавий хонадонларга айлантилди. Улар табиий газ, электр, иссиқ ва совуқ сув, иситиш тизими билан таъминланди. Бинолар атрофи ободонлаштирилиб, болалар майдончаси, хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди.

— Янги тураржойлар 20 йиллик муддатга им-

тиёзли кредит асосида берилаётгани айни муддао бўлди, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши бўлими мудир Дилором Абдуғафорова. — Шу мақсадда вилоятимиз бўйича 15 миллиард 399 миллион сўмлик ипотека кредитлари ажратилди. Бу жорий йилнинг ўзида яна 110 та ёш оила ўз уй-жойига эга бўлади, деганидир.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

## Буюртмачи талаби асосида

Гулистон шаҳридаги “Гулистон монтаж қурилиш” хусусий корхонаси жамоаси электр тармоқларига улашиш шкафлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Айтиш жоизки, бўйи 1 метрдан 3 метргача бўлган ушбу мосламалар буюртмачи истагига кўра ясалмоқда. Шунингдек, шкаф ичига бир йўла электр жиҳозлари ўрнатиш ҳам корхона зиммасида.

— Ҳозир ўн беш турдаги металл жиҳозлар тайёрлаяпмиз, — дейди “Гулистон монтаж қурилиш” раҳбари Рустам Абдуллаев. — Ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб бораётганлигимиз туфайли маҳсулотларимизга талаб ошмоқда. Масалан, темир дарвоза, эшик-дараза панжаларига қўшни вилоятлардан ҳам буюртмалар тушяпти.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



НАМКОРБАНК

Тошкент шаҳридаги "Пойтахт" бизнес марказида "Хамкорбанк" акциядорлик тижорат банки томонидан матбуот анжумани ташкил этилди. Бу тадбир мазкур молия муассасаси билан Голландия Тараққиёт банки ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида имзоланган шартномаларнинг мазмун-моҳиятини кенг тушунириш ва истиқболдаги вазифалар муҳокамасига бағишланди.

Янги мақом билан — истиқбол сари

Таъкидландики, мамлакатимизда истиқлол йилларида қулай ва жозибador инвестициявий муҳит яратилиб, чет эллик сармоядорлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий асос мустаҳкамланди. Хусусан, "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шундай муҳим ҳужжатлардан бири бўлиб, у хорижий сармоядорларнинг юртимиздаги фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қонуний ҳимоясини таъминлашга хизмат қилмоқда.



Шу билан бирга, чет эллик инвесторлар учун бир қатор имтиёз ва преференциялар ҳам берилаяптики, буларнинг барчаси ҳамкорларимизнинг иқтисодийётимизга бўлган қизиқишини янада кучайтирапти. Бугунги кунда республикамизда улар иштирокида ташкил этилган корхоналар сонини 4,2 мингтадан ошгани, тўғридан-тўғри жалб этилаётган хорижий сармояларнинг жами инвестиция ҳажмидаги улуши 26,6 фоизга етгани бунинг яққол далилидир. Бундай қулай шарт-шароитлар, ўз навбатида, тижорат банклари

мувофиқ, жалб қилинган кредит линиялари асосида 21 лойиҳа молиялаштирилди. Улар, асосан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилгани билан диққатга сазовордир.

Бундан ташқари, "Хамкорбанк" Жаҳон банки гуруҳи таркибига кирувчи Халқаро молия корпорацияси (IFC) билан ҳам мустаҳкам сармоявий ҳамкорлик ўрнатиб, бундан тўрт йил муқаддам унинг акциядорлари сафидан жой олган.

инвестициявий алоқаларни янада ривожлантириш, унинг акциядорлари таркибига кириш тақлифи билан чикди. Бу тобора ривожланиб бораётган Ўзбекистон банк тизимида бўлган юксак ишончининг амалий тасдиғи, дейиш мумкин.

Томонлар ўртасида "Хамкорбанк" акциядорлик тижорат банки акциядорлари таркибига Голландия Тараққиёт банкини киритиш ва бошқа масалалар юзасидан шартномалар имзоланди.

Аҳамиятли томони шундаки, ушбу хорижий инвесторнинг "Хамкорбанк" устав капиталдаги иштироки унинг "Хорижий капитал иштирокидаги банк" мақомини қўлга киритишида муҳим омил бўлди. Бинобарин, миллий қонунчиликимизга кўра, тижорат банклари устав капиталда хорижий капитал иштироки 30 фоиз ва ундан ортиқ бўлганда ана шундай мақомга эга бўлади.

Сўзга чиққанлар алоҳида қайд этганидек, Голландия Тараққиёт банки томонидан киритилаётган инвестициялар "Хамкорбанк"нинг ресурс базасини кенгайтириш билан бирга, амалиётга халқаро тажрибаларни жорий қилиш, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга ёрдамлашади. Хамкорликдан кўзланган асосий мақсад ҳам мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, соҳага илгор технологияларни жалб этиш, чекка ҳудудларда саноатни ривожлантириш орқали аҳолининг бандлиқ даражасини янада оширишдан иборатдир.

Дарҳақиқат, хозирги пайтда республикамизнинг барча ҳудудда мазкур жамғарманинг филиаллари ишлаб турибди. Уларда меҳнат қилаётган мутахассислар эса алақачон ишбилармонларнинг яқин маслаҳатчисига айланган. Хусусан, жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида унинг биргина Жиззах филиали кўмағида қурилиш, тўқимачилик, кимё, озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги тармоқларида 20 га яқин тадбиркорлик субъектига ташкилий, молиявий ва

Мухтасар айтганда, "Хамкорбанк" бундан буён янги мақомга мос равишда фаолият юритган ҳолда, молиявий хизматлар бозорига эгалаган мавқеини янада мустаҳкамлаб, ўз миқозларига замонавий банк хизматларини кўрсатаверади.

С. РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Бугунги кунда иқтисодийётимиз ривожига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг алоҳида ўрни бор. Чунки улар мавжуд имконият ҳамда имтиёزلардан унумли фойдаланиб, нафақат барқарор фаолият юритаёпти, балки мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг юксалишига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили

Таъкидлаш керакки, соҳа вакилларининг бу борадаги ишлари Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнелигимизга кўра, тижорат банклари устав капиталда хорижий капитал иштироки 30 фоиз ва ундан ортиқ бўлганда ана шундай мақомга эга бўлади.

Таъкидлаш керакки, соҳа вакилларининг бу борадаги ишлари Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнелигимизга кўра, тижорат банклари устав капиталда хорижий капитал иштироки 30 фоиз ва ундан ортиқ бўлганда ана шундай мақомга эга бўлади.

Таъкидлаш керакки, соҳа вакилларининг бу борадаги ишлари Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнелигимизга кўра, тижорат банклари устав капиталда хорижий капитал иштироки 30 фоиз ва ундан ортиқ бўлганда ана шундай мақомга эга бўлади.

Реклама ўрнида

Таъкидлаш керакки, соҳа вакилларининг бу борадаги ишлари Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнелигимизга кўра, тижорат банклари устав капиталда хорижий капитал иштироки 30 фоиз ва ундан ортиқ бўлганда ана шундай мақомга эга бўлади.

Таъкидлаш керакки, соҳа вакилларининг бу борадаги ишлари Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнелигимизга кўра, тижорат банклари устав капиталда хорижий капитал иштироки 30 фоиз ва ундан ортиқ бўлганда ана шундай мақомга эга бўлади.

Таъкидлаш керакки, соҳа вакилларининг бу борадаги ишлари Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнелигимизга кўра, тижорат банклари устав капиталда хорижий капитал иштироки 30 фоиз ва ундан ортиқ бўлганда ана шундай мақомга эга бўлади.

Таъкидлаш керакки, соҳа вакилларининг бу борадаги ишлари Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнелигимизга кўра, тижорат банклари устав капиталда хорижий капитал иштироки 30 фоиз ва ундан ортиқ бўлганда ана шундай мақомга эга бўлади.

Таъкидлаш керакки, соҳа вакилларининг бу борадаги ишлари Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнелигимизга кўра, тижорат банклари устав капиталда хорижий капитал иштироки 30 фоиз ва ундан ортиқ бўлганда ана шундай мақомга эга бўлади.

Таъкидлаш керакки, соҳа вакилларининг бу борадаги ишлари Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнелигимизга кўра, тижорат банклари устав капиталда хорижий капитал иштироки 30 фоиз ва ундан ортиқ бўлганда ана шундай мақомга эга бўлади.

С. РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

«Universal Realtor» МЧЖ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2014 йил 15 июлдаги 10-1412/2437-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 50-уйда жойлашган, майдони 1702 кв. метрдан иборат бўлган кўп қаватли бинонинг бир қисмида жойлашган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 2 200 845 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 27 ноябрь кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Буюртманомалар юқориди кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Қўшимча маълумот олиш учун манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 150-35-55. www.realtor.uz e-mail universal.realtor@mail.ru

«KO'CHMAS MULK SAVDO KIZMATI» МЧЖ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2011 йил 21 июлдаги 10-1117/7803-сонли, 2011 йил 9 мартдаги 10-1008/21203-сонли, 2011 йил 16 майдаги 10-1114/4969-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 481 кв.м., бино-иншоотнинг умумий майдони 979 кв.м., фойдаланиш майдони 832,15 кв.м. бўлган, икки қаватли, ертўлали маъмурий бино тақдоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 667 389 077, 28 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 17 ноябрь кунини соат 12.00 да

бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2014 йил 15 ноябрь кунини соат 18.00.

Қўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, тўлов ҳужжатиди ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел.: (0-371) 228-79-52. www.1kms.uz. Хизматлар лицензияланган.

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан, 2014 йил 19 июндаги 3424-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Чимган» ҚФЙда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 145,17 кв.м., қурилиш ости майдони 94,60 кв.м. бўлган 2 қаватли коттеж биноси савдога қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 284 446 973 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 11 ноябрь кунини соат 12.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидида Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: (0-371) 254-69-13.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» Миробод филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800040920609021, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Хизматлар лицензияланган.

«KO'CHMAS MULK SAVDO KIZMATI» МЧЖ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2014 йил 8 августдаги 10-1412/10885-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 21-уйда жойлашган бозор мажмуасининг «А»-блок — шийпон иншооти 1768,0 кв.м., пойдевори бетон, томи шифер, девор тўсиқлари металл бўлган ҳамда «Б»-блок — 194,0 кв.м бўлган маъмурий бино, бир қаватли, пойдевори бетон, томи шифер, гишдан қурилган кўчмас мулк объекти тақдоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 375 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 11 ноябрь кунини соат 11.00 да

бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2014 йил 7 ноябрь кунини соат 18.00.

Қўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, тўлов ҳужжатиди ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800040920609021, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел./факс: (0-371) 228-79-56. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Хизматлар лицензияланган.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2014 йил 27 ноябрь, 4, 11, 18 декабрь кунлари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Очиқ аукцион савдоларига «Agrobank» акциядорлик тижорат банкнинг қуйидаги ҳўжалик жамияти устав фондидаги 100% банк улуши қўйилмоқда.

Table with 4 columns: T/p, Ustav fondidagi ulushi sotilaётган хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, Ustav fondidagi ulushi sotilaётган хўжалик жамиятининг манзили, асосий фаолият йўналиши, Савдога қўйилмаган улушнинг бошланғич баҳоси, сўм

Очиқ аукцион шартлари:

Аукцион голиби улш сотилиш баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги маблагни аукцион ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисминини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукционга қўйилган объектни сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш баҳосининг қолдиғига фойзалар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзгага бериш ва унинг шаксларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати — 5 (беш) йилдан ошмаслиги лозим.

Объект фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблаглар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шартли билан сотилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва сугурталаш), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзга келадиган бошқа харажатлар харидор маблаглари ҳисобидан амалга оширилади.

Аукционда иштирок этиш истагидидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун

Шунингдек, «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖ томонидан 2014 йил 25 сентябрь ва 9 октябрь кунлари ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «O'zbekiston shampani» ОАЖ билан савдо қилинган, ҳажми 15 метр кубдан иборат бўлган, 110 (бир юз ўн) дона «Цистерна Е1500» — 124 000 000 сўмга, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг «Ko'kcha tekstil» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз улуши — 62 295 000 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

● аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат ўтказилганини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш истагидидаги талабгорлар савдога қўйилмаган улуш бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридидаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АИТБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО: 00425, СТИР: 302071274, 20208000704929318001. талабгорлар

Талабгорлар ушбу банк улуши сотилаётган корхона билан юқоридида кўрсатиб ўтилган манзилга бориб танишишлари мумкин.

Очиқ аукцион савдолари белгиланган савдо кунлари соат 15.00 да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуր шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлисур зали)да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари: Сотувчи (банк): Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Мўқимий кўчаси, 43-уй. Телефонлар: (0-371) 150-85-23, 277-42-44. Тел./факс: (0-371) 150-53-95.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуր шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефон: (0-371) 233-02-49. Тел./факс: (0-371) 233-23-40. Электрон почта: TUAS\_MCHJ@mail.ru

«KOP TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Бектемир тумани СИБ томонидан 2013 йил 18 апрелдаги 11-1230/18533-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Навоий номидаги ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 4,471 гектардан иборат бўлган ферма бино ва иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 375 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 27 ноябрь кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Такрорий аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2012 йил 27 январдаги 10-1119/21524, 2012 йил 9 апрелдаги 10-1209/2206, 2012 йил 26 мартдаги 10-1219/3076, 2012 йил 13 апрелдаги 10-1219/2891, 2012 йил 10 майдаги 10-1219/5210-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, Чилонзор 25-дахаси, 12-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 1175 кв.м.дан иборат бўлган «И», «З», «Ж», «Л»-блоклари, 1 қаватли, 2 та ишлаб чиқариш учун мўлжалланган бино қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 693 583 310 сўм. Такрорий аукцион савдоси 2014 йилнинг 11 ноябрь кунини соат 11.00 да

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АИТБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир иш кунини қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-58-61. Хизматлар лицензияланган.

# ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИНГ ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИДАГИ ЮКСАК ҒАЛАБАЛАРИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Ўтган давр мобайнида жамғарма томонидан мамлакатнинг барча ҳудудларида юзлаб замонавий, зарур шароитларга эга спорт мажмуалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, сузиш ҳавзалари, стадион ҳамда спорт манежлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мамлакатимизда ўғил-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш, уларнинг иқтидорини юзага чиқаришнинг муҳим воситаси сифатида таълим тизимида “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада мусобақаларидан иборат уч босқичли спорт ўйинлари жорий қилинган ёшларимизнинг соғлом бўлиб ўлғайиши баробарида уларнинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу жараёнда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, жисмоний имконияти чекланган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий кўмак бериш, билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш, ўз қизиқиш ва интилишига мос касб-хунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши таъминлаш доимий эътиборда.

Бу жиҳатларни 2013 йили пойтахтимизда ўтказилган “Осиёда Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш” мавзусидаги халқаро анжуманда Осиё паралимпия кўмитаси президенти Дато Зайнал Абу Зарин алоҳида таъкидлаган эди: “Ўзбекистонда Олимпия ва Паралимпия дастурига киритилган спорт турлари жадал ривожланмоқда. Бу Президентнинг томонидан олимпия ва паралимпия ҳаракатини ривожлантириш, мамлакатингизда жисмоний тарбия ва спортни аҳолининг барча қатламлари — болалар, қизлар, ёшлар, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлар ўртасида оммалаштиришга улкан эътибор қаратилаётганининг самарасидир. Бундай ҳайрли ишлар бошқа мамлакатлар учун намунга ҳисобланади”.

Ҳаёт синовларини мардонавор енгиб ўтиб, кўзлаган мақсади сари дадил қадам ташлайдиган, иродаси мустаҳкам, сабртоқат, шижоат ва матонат бобида кўпчиликка ўрнак бўла оладиган инсонларнинг сазй-ҳара-

кати, эришаётган натижалари ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Жанубий Кореянинг Инcheon шаҳрида ўтган “Параосиё — 2014” мусобақаларида Ўзбекистон спортчиларининг интилиши, ғалабага бўлган юксак ишончи уларнинг эришган натижаларида яққол намоён бўлди. Паралимпиячиларимиз Ватанини мадҳ этиш, унинг обрў-эътиборини юксалтиришдек эзгу мақсадни, фарзандлик бурчини чин дилдан адо этди.

Ўзбекистон паралимпиячиларининг мазкур нуфузли мусобақага пухта тайёргарлик кўришида давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриямал бўлди. Қарорга кўра, спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, Параосиё ўйинларига йўлланма берадиган нуфузли мусобақаларга тайёрлаш ва уларда муносиб қатнашиши учун барча шарт-шароит яратилди.

Инcheonда ўтган мазкур нуфузли мусобақада қирқдан зиёд мамлакатдан фақат 32 тасининг спортчилари шохсулага кўтарилди, шундан 23 давлат вакиллари олтин медалга сазовор бўлди.

2010 йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган Параосиё ўйинларида Ўзбекистон паралимпиячилари 1 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза, жами 6 медални кўлга киритган эди. Бу галги мусобақаларда олтин медалларимиз 20 тадан ошди. Ҳатто, қатнашувчи спортчилари бизникидан бир неча баробар кўп бўлган айрим давлатлар ҳам шунча олтин медални кўлга кирита олгани йўқ.

Бу кўрсаткич, бу ютуқлар мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган эътибор, юртимизда истеъдод соҳиблари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганининг амалий самараларидир.

Спортчиларимизнинг энгил атлетика бахсларида эришган натижалари ҳам таҳсинга лойиқ.

Ушбу спорт тури бўйича нафақат қитъамизда, балки жаҳонда етакчилардан бири сифатида эътироф этиладиган паралимпиячиларимиз 8 олтин, 4 кумуш ва 3 бронза медални кўлга киритиб, бу эътироф тасодиф эмаслигини яна бир қарра исботлади.

Енгил атлетикачиларимиздан спорт делегациямиз ҳисобига дастлабки олтин медални Фахриддин Хамроев келтирди. У 800 метр масофага югуриш мусобақасида маррага биринчи етиб келиб, Осиё рекордини янгилади. Шунингдек, у 200 ва 400 метрга югуришда ҳам рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Унинг 400 метрга қайд этган натижаси ҳам Осиё рекорди, ҳам Параосиё ўйинлари рекорди сифатида қайд этилди.

Иқтидорли енгил атлетикачимиз Маъруфжон Муродиллаев 1500 метр ва 800 метр масофага югуриш бахсларида маррага биринчи келиб, икки марта шохсуланинг энг юқори поғонасига кўтарилди. У мазкур масофаларда эришган натижалари билан Осиё рекордчиликни янгилади.

Яна бир олтин медал 4х100 метр масофага югуриш бўйича ўтказилган жамоавий бахсда кўлга киритилди. Терма жамоамиз сафида Миран Сахатов, Дониёр Солиев, Улуғбек Чориев ва Фахриддин Хамроев энг юқори натижани кўрсатди.

Ўзбекистон спорт делегацияси байроқдори Мавлонбек Хайдаров ядро улуктириш мусобақасида 14 метр 39 сантиметр натижани қайд этиб, Осиё рекордини ҳам янгилади.

— Параосиё ўйинлари очилишида бошим узра бандан кўтариб ўтган давлатимиз байрогини шохсулага ҳам энг бандан поғонага кўтаришни ният қилган эдим, — дейди М. Хайдаров. — Ниятимга етганидан, менга юксак ишонч билдирган мураббийларим, халқимиз ва Президентимизнинг ишончини оқлаганидан беҳад хурсандман.

Енгил атлетиканинг диск улуктириш бахсларида иштирок этган Хусниддин Норбеков 53 метр 84 сантиметр натижани қайд этиб, биринчи ўринни эгаллади. Тажрибали спортчимиз ядро улуктиришда кумуш медалга сазовор бўлди.



Узунликка сакраш мусобақаларида иштирок этган Фаррух Мирзақулов кумуш, турли масофаларга югуриш бўйича Миран Сахатов иккита кумуш, Сирожиддин Норов иккита бронза ва Дамир Пашаев битта бронза медал билан тақдирланди.

Инcheonдаги мусобақанинг нуфузли мусобақасида Ватанимиз байрогини сарбаланд этиб, мадҳиямиз баралла янгирашига ўз ҳиссамни қўшганимиздан беҳад бахтиёрман, — дейди Ш. Халилов. — Бундай ғалабаларимиз замирида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўз иқтидор ва истеъдодини юзага чиқариши учун қаратилаётган

полвонимиз эронлик Саид Нури Жаъфарийни, япониялик Юсуке Хатсуэни, ҳал қилувчи бахсда тайландлик Рунг Күлфунгни мағлубиятга учратиб, шохсуланинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

— Қитъамиз спортчиларининг нуфузли мусобақасида Ватанимиз байрогини сарбаланд этиб, мадҳиямиз баралла янгирашига ўз ҳиссамни қўшганимиздан беҳад бахтиёрман, — дейди Ш. Халилов. — Бундай ғалабаларимиз замирида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўз иқтидор ва истеъдодини юзага чиқариши учун қаратилаётган

юксак эътибор ва доимий ғамхўрлик муҳассамдир.

Яна бир маҳоратли спортчимиз, дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Одижон Тулендибоев энг оғир вазндаги полвонлар беллашувида ўз салоҳиятини намоён этди. У ҳал қилувчи бахсда эронлик Хамза Надрийни 19 сонияда енгиб, Параосиё ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди.

Мусобақанинг вазни 73 килограммга бўлган полвонлар бахсида ҳамюртимиз Феруз Саидов ҳам терма жамоамиз ҳисобига олтин медални туғфа этди. Полвонимиз чорак финалда ҳиндистонлик Манохаран Янакирамани, ярим финалда

япониялик Хидекацу Такахаши-ни, ҳал қилувчи бахсда эронлик Муҳаммад Али Шананини мағлубиятга учратиб, Параосиё ўйинлари ғолибига айланди.

Полвонларимиздан Шерзод Намозов, Нурбек Бердиёров, Шухрат Бобоев, қизлар бахсида Севинч Салаева ҳам ўз вазн тоифасида барча рақиб устидан муваффақият қозониб, олтин медални кўлга киритди.

Гулруҳ Раҳимова кумуш медал билан тақдирланган бўлса, Ширин Шарипов кучли учликдан жой олди.

Сузиш бахсларида иштирок этган ҳамюртимиз Кирилл Панков бир йўла тўртта, Дмитрий Хорлин учта олтин медални кўлга киритди. 2012 йили Лондонда ўтган Паралимпия ўйинларида муносиб иштирок этиб, икки марта Осиё рекордини ўрнатган Кирилл Панков 50 ва 100 метр масофага эркин, 100 метрга қалқанча усулда ва 200 метрга комплекс сузиш бўйича рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмаган бўлса, Дмитрий Хорлин 50, 100 ва 400 метрга эркин усулда сузиш бахсларида шохсуланинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Эътиборлиси, Дмитрий Хорлиннинг ҳар уч йўналишида, Кирилл Панковнинг 50 метр масофага эркин сузишда қайд этган натижаси Осиё рекорди сифатида эътироф этилди.

Умуман олганда, Ўзбекистон паралимпиячилари II Параосиё ўйинларида ўз маҳорати, матонати ва шижоатини тўла намоён этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Спортчиларимиз келажақдаги нуфузли мусобақаларда, жумладан, 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XV Паралимпия ўйинларида бунданда юксак ғалабаларга эришиб, халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлашига ишонамиз.

(Ў.А.)

## Муносиб кутиб олинди

Жанубий Кореянинг Инcheon шаҳрида бўлиб ўтган Параосиё ўйинларида муваффақиятли қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари “Тошкент” халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди.

Тадбирда вазирлик ва идоралар, жамоатчилик вакиллари, спортчиларнинг ота-оналари, яқинлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Истиклол йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, аввало, инсон ва унинг манфаатларига қаратилганлиги диққатга сазовордир. Хусусан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, ногирон ва жисмоний имконияти чекланганлари

қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, спорт билан шуғулланишлари учун барча имконият мавжуд. Бундай улкан эътибор туфайли улар ҳам турли мусобақаларда қатнашиб, ўз маҳоратларини намоён этишаётир. Жанубий Кореяда кўлга киритилган муваффақият ана шундай ғамхўрликларнинг амалий натижасидир.

Параосиё ўйинларида Ўзбекистон вакиллари делегация таркибидан ўрин эгаллаган спортчилар сонидан кўпроқ медал кўлга киритишди. Таққослайдиган бўлса, умумжамоа ҳисобида Жанубий Корея делегациясининг 321 нафар спортчиси 211, Япониянинг 291 нафар вакили 143, эронлик

198 нафар спортчи 120 та медал жамғарди. Мана шу рақамлар ҳам паралимпиячиларимиз натижаси салмоқли эканлигини яққол кўрсатиб бера олади.

Спортчиларимизнинг Параосиё ўйинларида эришган ютуқлари мамлакатимизда Президентимиз Исрол Қаримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор амалда ўз самараларини бераётганининг яна бир ёрқин далили бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов сўзга чикди.

Фозилдин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Интеллектуал салоҳиятли ёшлар — таянчимиз ва суюнчимиз

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ўсиб келаётган ўғил-қизларнинг билимини ҳар томонлама бойитиш, маънавиятини юксалтириш, энг муҳими, дарсдан кейинги бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча қулайлик яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси энг замонавий андозалар асосида бунёд этилган бўлиб, бугунги кунда унинг бағрида етти миллион нусхага яқин китоб сақланмоқда. Қўлёзма ва ноёб асарларнинг электрон муқобили ҳам мавжуд. Кутубхонада китобхонларга замонавий ва сифатли хизмат кўрсатиш учун барча имконият мавжуд. Етти юз ўринли 11 ўқув зали илгор технологиялар асосида жиҳозланган бўлиб, Wi-Fi тизими эга. Худди шунингдек, республикамизнинг барча ҳудудларида аҳолига ахборот хизмати кўрсатишни кенгайтириш ва яхшилашга кўмаклашадиган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда янги дастурий маҳсулотларни жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир.

Хафталикнинг “Очиг



эшиқлар кунин” деб номланган биринчи кунда республикамизнинг етакчи нашриётларида чоп этилган янги адабиётларнинг кўргазмаси ўтказилди. Мазкур кўргазмага қўйилган турли соҳага оид китобларнинг дизайни ҳамда сифати йиғилганларда катта қизиқиш уюғди.

— Энг сара китобларимизни кўргазмага олиб келдик, — дейди “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи ходими Мавлон Холиқов. — Ушбу нашрлар ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириши, шу билан бирга, китобга бўлган

база яратилганлиги қайд этилди.

Шунингдек, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида кутубхона иши билан шуғулланувчи мутахассислар учун маҳорат дарслари ўтказилди. Унда мутахассисларнинг китобларни таъмирлаш, муқовалаш, сақлашнинг замонавий инновацион методларига эътибор қаратилди.

31 октябрга қадар давом этиши кўзда тутилган “Infolib — 2014” миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида зиё масканларига экскурсиялар ташкил этилиб, давра суҳбатлари, маърифий акциялар, кўргазмалар ўтказилди. Шу билан бирга, эл ардоғидаги ижодкорлар, устоз санъаткорлар, ёш ижрочилар, мусаваирлар, режиссёрлар ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ҳам бир қатор учрашувлар уюштирилди.

**Дилмурод СОДИҚОВ.**  
Хасан ПАЙДОЕВ ва Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

«Ўзвироб» компанияси жамоаси компания бошқарувининг собик раиси Саидман Билолович САИДЖАЛАЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этди.

“Республика синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси жамоаси “Чирчиқ синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси директори Абдулплатхон Фозиловга турмуш ўртоғи **Насиба ФОЗИЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этди.

## «UNIVERSAL AUKTION INVEST» МЧЖ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошлангич баҳоси босқинча-босқинчи ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиг аукцион савдоларига таълиф этади.

2014 йил 28 ноябрь кунин соат 11.00 да ўтказиладиган очиг аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Қизирқ тумани СИБ томонидан, ЖИБ Қизирқ тумани судининг 2014 йил 21 июлдаги 20-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизирқ тумани, Бандхон қўрғони, ИИБ ховлисида сақланаётган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган «FORD TRANSIT» русумли, давлат рақами 75 Е 498 СА, бошлангич баҳоси — 9 940 000 сўм;

Шўрчи тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти ҳўжалик судининг 2012 йил 3 августдаги 19-1207/10586-сонли, 2011 йил 30 сентябрдаги 19-1107/14198-сонли, 2012 йил 11 сентябрдаги 19-1208/9665-сонли ва 2012 йил 26 декабрдаги 19-1208/19736-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Шўрчи N 2530» АЖ да сақланаётган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган «КамАЗ 5511» русумли, давлат рақами 19 АГ 829, бошлангич баҳоси — 4 471 830 сўм, 1984 йилда ишлаб чиқарилган «КамАЗ 5320» русумли, давлат рақами 19 АВ 071, бошлангич баҳоси — 3 912 851 сўм, 1985 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ 5327» русумли, давлат рақами 75 027 КАА, бошлангич баҳоси — 1 629 919 сўм, 1995 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ 31029» русумли, давлат рақами 19 АС371, бошлангич баҳоси — 1 217 962 сўм, 1984 йилда ишлаб чиқарилган «ЗИЛ 138 А» русумли, давлат рақами 75 049 КАА, бошлангич баҳоси — 2 499 732 сўм, 1984 йилда ишлаб чиқарилган «ЗИЛ 138 А» русумли, давлат рақами 19 АГ 789, бошлангич баҳоси — 2 534 995 сўм, 1984 йилда ишлаб чиқарилган «ЗИЛ 138 А» русумли, давлат рақами 19 АГ 845, бошлангич баҳоси — 2 551 973 сўм, 1984 йилда ишлаб чиқарилган «ЗИЛ 138 А» русумли, давлат рақами 75 033 КАА, бошлангич баҳоси — 2 534 995 сўм, 1986 йилда ишлаб чиқарилган «ЗИЛ 138 А» русумли, давлат рақами 75 060 КАА, бошлангич баҳоси — 2 203 078 сўм, 1987 йилда ишлаб чиқарилган «ЗИЛ 431610» русумли, давлат рақами 75 186 КАА, бошлангич баҳоси — 2 604 214 сўм, 1989 йилда ишлаб чиқарилган «ЗИЛ 441510» русумли, давлат рақами 75 190 КАА, бошлангич баҳоси — 2 570 257 сўм.

2014 йил 12 ноябрь кунин соат 11.00 да ўтказиладиган очиг аукцион савдосига Ангор тумани СИБ томонидан ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 9 апрелдаги 1-107-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ангор тумани СИБда сақланаётган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган «Nexia» русумли, давлат рақами 75 S 710 СА, бошлангич баҳоси — 16 218 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Мазкур автотранспорт воситаси 2014 йил 12 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақририй аукцион савдоси 2014 йил 28 ноябрь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан 1 (бир) кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувида асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Universal auktion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Иштирий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Гувоҳнома № 004059.

Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш учун манзил: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази». Мурожаат учун тел.: (+99890) 246-54-01.

www.xs.uz Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетидеда истиқлол йилларида 30 мингдан зиёд бакалавр, 2 мингга яқин магистр кадрлар тайёрланди.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 75 792 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котбият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

ТАХРИРГА КЕЛГАН ҚЎЛЪЗМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ.

РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ТАХРИРИЯТ ЖАВОБГАР ЭМАС.

ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА ТЕРИЛДИ  
ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.  
Навбатчи — Д. Улмуҳомедов.  
Мусахҳач — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45  
Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5